# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

«04» апрель 2022 йил Бухоро шахри

ALI DOVUT BUNYODKOR МЧЖ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбари Э.Азимов тимсолида, бир томондан ва Бухоро вилоят Спорт яяка кураши бўйича ИБЎСМ, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор Ш.Саидов тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

Мазкур хизматлар товар хом-ашё биржасининг махсус ахбарот порталида 57991лот рақам билан эълонга жойлаштирилган танлов натижасига асосан имзоланди.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Бухоро вилоят Спорт яяка кураши бўйича ИБЎСМ биносининг том қисмини жорий таъмирлаш (жой ва бажариладиган ишлар номи) ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан таъмирлаш (жорий капитал) ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни хамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 249 200 000 сўмни ташкил этади.

## 2.ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1.»Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган хужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг киймати 249 200 000 сўмни ташкил қилади.

2 Шартноманинг умумий суммасидан 249 200 000 сўми қурилиш ишларини молиялаштириш учун махаллий бюджет маблағларЬдан молиялаштирилади.

2.3. Таъмирлаш ишларининг бошланиши : Шартнома умумий суммасининг 30% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади.

2.4. Таъмирлаш ишларининг тугаши вакти Шартнома умумий суммасининг 30% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилган кундан 30 кун ичида.

## 3.ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.4. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган хар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб хисобланади.

## 4.ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1 .Ушбу шартноманинг умумий нархи 249 200 000 сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30% ёки 74 760 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўлов 70% нинг миқдори 174 440 000 бажарилган ишлар хажми (Форма 5) га асосан жорий таъмирлаш ишлари тугатилган кундан 10 кун ичида амалга оширилади.

4.3 «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

4.4 «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 5.ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Шартнома бахоси 249 200 000 сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2 Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3 Хар хафтанинг душанба кунида жорий хафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт1. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у холда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома бахосидан 0,5 % миқдорида;
-кейинги 20 кун учун шартнома бахосидан 5 % миқдорида;
-ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

Scanner App Lite

## 6.БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Мазкур шартнома тарафлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.

## 7.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1.Ушбу шартнома асосида келиб чикадиган хар кандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

## 8.ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 2014 – йил 1 – Январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджед кодекси» нинг 122 – моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594 – сонли карорининг 6 – бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**

**ALI DOVUT BUNYODKOR МЧЖ**

товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Бухоро вилояти Ромитан тумани Бобур МФЙ
Тел./факс (+99897) 292-01-11
х/в : 20 208 000 205 065 686 001
Банк номи: АТБ Қишлок Қурилиш банк Гала Осиё филиали
МФО 000975

СТИР 306 353 989

Раҳбар: Э.Азимов
(лавозим) (Ф.И.Ш)

(имзо)
М.У.

**«ПУДРАТЧИ»**

Бухоро вилоят Спорт яяка кураши бўйича ихтисослаштирилган болалар ўсмирлар спорт мактаби
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Бухоро шахар М.Иқбол кўчаси 18-уй
Тел./факс (65)221-01-62
ш/х*100021860064017083620245001
бюджетдан маблағ олувчи
СТИРи 206977870
ОКОНХ 91700 ОКЭД 93190
**Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги**
**Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010**
**Банкнинг номи: Тошкент шахри Марказий банки ХККМ МФО: 00014**
**Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919**
Раҳбар: Ш.Саидов
(лавозим) (Ф.И.Ш)

(имзо)
М.У.

*Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):* ________________ М. Кародов

*Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:* ________________

Scanner App Lite